# ҚАЙТА ҚУРИШ ВА ЁШЛАР: ҲАРАКАТЛАР ДАВРИ

**(Боши биринчи ва иккинчи бетларда).**

Бундай учрашувлар фойдали анъана бўлиб қолмоқда. Интернационалчи собиқ жангчилар жамият билан ягона бир маромда яшаш қайта қуриш жараёнига имкони борича тезроқ ва фаолроқ қўшилиш эҳтиёжини ҳис этмоқдалар. Улар ҳарбий-ватанпарварлик уюшмалари ва клубларининг ишини жонлантириш, ёшлар орасидаги салбий ҳодисаларни бартараф этиш имкониятидан фойдаланишни ўз роли деб билмоқдалар.

**М. С. Горбачев.** Биз бу мавзуни халққа маълум қилишимиз керак эди, деб ҳисоблайман ўртоқлар. Мен съездда бу ҳақда нималар деганим эсингиздами. Ўша гап мамлакатда ва бутун дунёда қандай кутиб олинган эди. Ҳозир биз ўша вақтдаги сиёсатни муҳокама қилишимиз мумкин, албатта. Бироқ, биз аввало жангчиларимизга энг яхши миннатдорчилик сўзларини айтишга бурчлимиз.

Ҳозир мамлакатда замонамизнинг ветеранлари бўлиб қолган шу кишиларга алоҳида ҳурмат билан қаралмоқда. Улар Улуғ Ватан урушининг қатнашчилари билан баб-баравар имтиёз олганликларини биласизлар. Уларни даволаш ва соғлиғини тиклашнинг баъзи масалалари ҳал этилди. Лекин ҳали ҳамма иш қилингани йўқ. Ҳам маънавий, ҳам сиёсий масалалар ҳал қилиниши керак. Социал эътибор нуқтаи назаридан ҳам чамаси ҳамма иш жойига қўйилгани йўқ. Йигитлар ўз зиммаларига тушган хизматдан кейин ҳали ҳаммалари ҳам ҳаётга мослашиб олмаганлар. Бироқ ҳаммаси жой-жойига тушади, деб ўйлайман.

**В. Федин,** запасдаги жангчилар кенгашининг аъзоси. Ҳаракатимизнинг энг муҳим вазифаси ҳам мана шундан иборат. Стихияли равишда бирлаша бошлаган эдик. Кўп муаммолар келиб чиқди. Аммо партия Марказий Комитети ўз сўзини айтди, бизни тўла-тўкис қўллаб-қувватлади.

**М. С .Горбачев.** Яна бир гап: уруш алангасини кўрган киши мутлақо бошқача одам бўлади. У дунёни бошқача ҳис этади, турмушни ўзгача тушинади. Ўз ҳаётимдан биламан: гарчи жанг қилмаган бўлсам ҳам уруш қийинчиликларини бошдан кечирганмиз. Булар умрбод эсда қолади.

**А. Немешаев,** кенгаш аъзоси. Михаил Сергеевич, биз ВЛКСМ шаҳар комитетининг биринчи секретари билан шаҳар партия комитетига бир неча марта бордик, бизга катта ёрдам берилди. Ҳужжатларимиз деярли тайёр. Энди запасдаги жангчилар кенгаши тўғрисидаги ўз низомимизни узил-кесил қабул этамиз.

**М. С. Горбачев.** Келинглар, келишиб олайлик. Сизлар ўртоқ Мироненко билан бирга ҳамма нарсани ўйлаб кўринглар: нималар юришяпти-ю, нималарга ҳозирча муваффақ бўлинмаяпти. Кейин у бизга маълумот беради.

# М. С. ГОРБАЧЕВ нутқи

Азиз дўстлар! Биз, КПСС Марказий Комитети делегацияси, ўйлайманки, бизнинг фикримизга комсомол, партия ветеранлари ҳам қўшиладилар, ВЛКСМнинг 70 йиллиги кунида сизлар билан бирга бўлишдан, комсомол ишлари тўғрисида, улуғ мамлакатимиз ишлари ҳақида суҳбатлашишдан ғоят хурсандмиз.

Сизларни катта воқеа билан қутлайман, сизлар орқали пойтахт, Москва области комсомоллари ва ёшларини қутлайман. Мамлакат ёшларини, барча совет кишиларини қутлайман, чунки комсомол шундай ташкилотки, мамлакатимиз ҳар бир авлодининг энг яхши йиллари у билан боғлангандир.

Сиёсий ишларнинг дастлабки тажрибаси ҳам, дастлабки муҳим ҳаётий қадамлар ҳам, дастлабки қувончлар ва дилгирликлар ҳам у билан, коммунистик ёшлар союзи билан боғлангандир. Комсомол—социализм мамлакати ёшлари учун тенги йўқ ташкилот, сиёсий мактабдир. Комсомол босиб ўтган барча қийинчиликлар ва муаммолар, барча синовларга қарамай, у ҳамиша мамлакат билан бирга бўлди, революция идеалларига содиқ бўлиб қолди. Ёшлар союзи жаҳондаги умуминсоний тараққиётга жуда катта ҳисса қўшиб, мамлакатимиз ҳозирги кундагидек бўлиши учун кўп иш қилди. Шунинг учун ҳам бугунги кунда яшаб турган бизлардан талаб қилинаётганидек ишлайлик, комсомоллар барча авлодларининг меҳнати ва курашига чуқур ҳурмат-эҳтиром бажо келтирайлик.

Мен бу ерда қисқача учрашувлар ўтказдим ва комсомол, партия ветеранлари билан суҳбатлашдим ҳамда улар залда фахрли ўринни эгаллаб турганликларини кўриб турибман. Келинглар, уларни ва улар орқали комсомолларимиз барча авлодларини ўрнимиздан туриб қутлаймиз!

Ёшлар комсомолга ҳамиша амал курсисини эгаллаш учун (гарчи кейинги йилларда шундай бўлган бўлса-да), аъзо бўлиб кирган эмаслар. Комсомолга ҳар ҳолда ўзларининг революцияга дахлдорлигини ҳис этиш ва унинг учун нимадир қилиш мақсадида аъзо бўлганлар.

Комсомол мамлакат тақдирига шерик бўлди. Бизнинг ана шу тақдиримиз улуғвор ва биз у билан фахрлана оламиз. Мамлакатимиз, халқимиз тарихида кўп воқеалар содир бўлдики, улар бизни хавотирлантирибгина қолмай, айни вақтда ташвишлантиради ҳам. Мамлакатимиз тарихидаги фожиали саҳифалар бизни ташвишлантиради ҳам. Биз шахсга сиғиниш йилларида рўй берган фожиалардан бутун жамият билан биргаликда ғоят қайғурамиз ва ундан хулосалар чиқарамиз. Мана шу барча нарсалар ҳақида гапирар эканман, биз бутун мамлакатни, одамларимиз барча авлодларини, уларнинг барча ишларини — биз амалга ошира олган, бошимиздан кечирган, бардош берган, синовдан ўтказган барча нарсаларни кўриб турибмиз ва сизлар менинг бу фикримга қўшиласизлар, деб ўйлайман. Бу эса турмушда бизга катта сабоқ бўлади, бугунги ишларимиз учун, революцион қайта қуриш учун омил бағишлайди.

Биз, комсомолнинг XX съездида айтилганидек, ниғоҳимизни четга олмай, орқага назар ташлаймиз, чунки бутун 70 йил гарчи бу кураш халқимиз, партия, комсомол олиб борган бу кураш мен юқорида айтиб ўтганимдек, фожиали воқеалар билан янада мушкуллашган бўлсада, революция ғоялари учун кураш билан йўғрилди.

Бугунги кунда, тарих ҳақида фикр юритаётган пайтимизда — бу эса тарихга яна бир бор назар ташлаш мумкин бўлган қулай фурсатдир — биз нималар содир бўлганлигини тушуниб етиш, совет кишиларининг барча авлодлари қандай яшаганлигини, улар қандай меҳнат қилганини, нимага ишонганини англаб олиш учун шундай қиламиз. Совет кишилари эришган ютуқлар ва жасоратга баҳо бериш, уларнинг мардлиги, сабот-матонати ва берган қурбонларини тушуниб етиш ҳамда уларни зарур даражада қадрлаш учун шундай қиламиз, ўйлайманки, бу тарихга, бизнинг тарихимизга бирданбир тўғри, ҳаққоний, ҳалол ёндашувдир ва бундай ёндашув келгусида бизга куч бағишлайди, революция идеалларига ва биз бугунги кунда ана шу революцияни давом эттириб, амалга оширилаётган ишларимизга ишончни мустаҳкамлайди.

Мен ёшларнинг мана шу ажойиб саройида бўлиб ўтган суҳбатлар мазмунидан ғоят тўлқинландим ва қувондим. Мен аввало ёшлар қайта қуришни қабул қилганликлари учун қувондим.

Азиз дўстлар! Мен бир вақтлар мамлакат ёшлари ҳузурида айтган фикримни такрорлашни истардим. Мен юбилей кунида сизларга нимадир қувончли нарсани айтиш учун шундай қилаётганим йўқ. Шундай қилинса, мен масалага жуда оддий ёндашган бўлур эдим. Сизларга шуни айтмоқчиманки, қайта қуришни ёшлар қабул қилган тақдирдагина, у ғалаба қилади ва ўзининг мақсадларига эришади. Мен бугун бу ерда эшитган фикрлар, ёшларнинг мададини сезиб турганлигим мени қувонтирди.

Бугунги кунда ва айниқса, келгусида қайта қуришнинг муваффақияти ёшлар қўшадиган ҳиссага ҳал қилувчи даражада боғлиқ бўлади. Қайта қуриш — сизларнинг кўп йилларга мўлжалланган ишингиздир. Сизлар қайта қуришга айни шундай муносабатда бўлаётирсиз. Мен шуни ҳис этдимки, ёшларимиз қайта қуришнинг мамлакат тақдири учун ва ҳар бир кишининг шахсий тақдири учун аҳамиятига шундай муносабатда бўлишмоқда ва уни шундай тушунишмоқда, бу, менингча, қайта қуришнинг мана шу жўн бўлмаган дастлабки уч йили давомида эришган энг асосий ютуғимиздир. Сизларни танлаб олган йўлингиз билан табриклайман ва мен шундай тушундимки, сизлар қайта қуриш йўлини қатъий танлаб олдингиз ва ана шу йўлдан шаҳдам одимлар билан бораверасиз!

Биз 1985 йил апрелидан кейин ўтган мана шу қирқ икки ой ичида ажойиб даврни бошдан кечирдик. Бу давр совет кишиларининг мамлакат тақдири тўғрисидаги, унинг ўтмиши, ҳозирги куни ва келажаги ҳақидаги чуқур фикр-ўйлари билан йўғрилган. Бу қайта қуриш олдимизга қўйган муаммоларни ҳал этиш йўлидаги қизғин ишлар давридир.

Мен партия XXVII съезди ва XIX партия конференциясини апрель ойидан кейин ана шу йўлдаги асосий чўққилар, деб атаган бўлур эдим. Ўйлайманки, биз мамлакатимиз тарихининг ана шу бурилиш босқичида унинг ҳаётидаги ана шу чўққиларга, ана шу воқеаларга қайта назар ташлашимиз керак бўлади.

Ҳозир биз сиёсатимиз шунчаки эзгу-истакларга айланиб қолмаслиги учун (шундай хавф ҳам бор) ҳун сайин амалий масалаларни ҳал этишимиз зарур. Биз съезд ва партия конференцияси қарорларининг бутун аҳамиятини ҳамон узил-кесил англаб етган эмасмиз. Аммо бугунги кундаёқ шу нарса равшанки, биз сизлар билан биргаликда ўз олдимизга ишончли режаларни мақсад қилиб қўйганмиз. Токи, шундай режалар бор экан, демак, аминманки, биз, совет кишилари, мамлакат, партия, комсомол, ёшлар ҳозирги вақтда олдимизда турган муаммолар қанчалик мураккаб бўлмасин, йўлдан адашмаймиз.

Биз ҳозирги кунга баҳо берар эканмиз, жамият оғир, турғунлик давридан чиқаётганини сезиб турибмиз. Турғунлик йилларида экономикагагина эмас, шу билан бирга одамларнинг эътиқодига, уларнинг эълон қилинган мақсадларга эришиш мумкинлигига ишончига катта зарар етган эди. Шуни рўй-рост айтаманки, партияга, социализмга нисбатан ишончга катта зарар етган эди. Бундай шубҳалар ёшлар онгига чуқур кириб борди ва мамлакат ёшлар ҳаракатида ўзига хос тарзда акс этди. Бу жараён шунчалик чуқур сингиб бордики, ёшлиги 60-70-йилларга тўғри келган кишилар тўғрисида баъзан «йўқотилган авлод» сифатида гапиришадиган бўлиб қолдилар. Дангал айтаманки, мен 60-70-йиллар ёшларига нисбатангина эмас, умуман бундай хулосалар тарафдори эмасман. Ҳа, социалистик принципларимиз жамиятимизнинг ўзи **авторитар-бюрократик** муносабатлар, турғунлик ҳолатлари таъсирида жиддий равишда бузилди. Сўз билан иш бирлиги бўлмади. Ана шу ҳолатларнинг барча салбий аҳамиятига қарамай, улар одамларга, жамиятимизга путур етказувчи даражада таъсир қилмади ҳамда социалистик идеология ва социалистик турмуш тарзи негизларини ўзгартирмади.

Миллион-миллион совет кишилари барча чалкашликлар ва тўсқинлик қилувчи омилларга қарамай, социализм манфаатлари йўлида фидокорона меҳнат қилдилар. Агар шундай бўлмаганида, ўртоқлар, қайта қуриш сиёсати, социалистик жамиятни янгилаш йўлини бутун халқ бунчалик қизғин қўллаб-қувватлаб кутиб олишини кутиш қийин бўлур эди. Демак, одамларимиз, барча авлодларимиз онгида социалистик ғоя барҳаётдир, Октябрга садоқат, социализмга ишонч, танлаган йўлимизга ишонч сақланиб қолгандир.

Демак, биз, ўртоқлар, энг асосий нарсани сақлаб қолдик ва шунинг учун ҳам қайта қуриш вазифалари қанчалик қийин ва мураккаб бўлмасин, уларни ҳал этамиз.

Апрель ойида биз ишни нимадан бошлаган эдик? Биз партияга, бутун жамиятга энг қийин ва рўй-рост саволларни беришга ҳамда бу саволларга бутун тажрибамизни танқидий таҳлил этиш асосида ҳалоллик билан рўй-рост жавоб бериш учун ҳаракат қилишга қарор берган эдик. Биз ўзимиз яшаб турган хонадонда нималар бўлаётганини тушуниб етдик. Бу эса бизларни қайта қуриш заруратига олиб келди. Бизни қуршаб олган дунёда нималар содир бўлаётганини тушуниб етдик. Бу эса бизни ташқи сиёсатда янгича фикрлашга олиб келди. Биз назарий хулосалардан қайта қуриш сиёсатини шакллантиришга ўтдик. Эндиликда биз қайта қуриш назариясига ва сиёсатига эгамиз, энг муҳими, асосан нима қилишимиз кераклигини биламиз. Бу эса жуда муҳимдир, азиз ўртоқлар.

Сиёсатда йўл қўйилган хатолар энг оғир оқибатларга олиб келади. Шунинг учун ҳам биз фақат ўтмиш тажрибасига асосланган реал сиёсатни таклиф этибгина қолмай, шу билан бирга истиқболли мақсадлар ва вазифаларни ўртага қўядиган реал сиёсатни, барча совет кишилари қалбига яқин ва тушунарли сиёсатни таклиф этиш устида кўп ва сабр-тоқат билан иш олиб бордик. Биз шундай сиёсатга эгамиз! Бу бизнинг дастлабки ва асосий ғалабамиздир.

Ҳозир биз қайта қуришнинг умуман жамият учун, ҳар бир коллектив учун, ҳар бир партия, комсомол ташкилоти учун, ҳар бир киши учун ғоят мураккаб босқичига қадам қўйдик.

Тўғри, ҳали мунозаралар бўлади. Бу социалистик жамиятимизнинг ажралмас қисми бўлиб қолиши керак. Ҳа, биз ошкоралик ва демократия жараёнларини авж олдирамиз, барча муаммоларни муҳокама қиламиз, ўзимизни хатолардан ҳоли этиш учун соғлом танқидни рағбатлантирамиз. Буларнинг ҳаммаси бўлади. Чунки жамиятимиз шундай яшаши керак. Фақат ошкоралик, демократизм шароитидагина одам ўз имкониятларини рўёбга чиқара олади. Фақат шундай жамиятдагина одам ўзини яхши ҳис эта олади. Муносиб мақсадларга, ўз истеъдоди маҳоратини рўёбга чиқариш имкониятига эга бўлган одам, — кучли одамдир, у энг қийин муаммоларни ҳал этишга қодирдир.

Шунга қарамай, ҳозирги даврнинг шундай бир хусусияти борки, мен ана шу хусусиятга эътиборни қаратишни истардим ва сизлар билан бўлиб ўтган суҳбатларда бу ҳақда фикр билдирилганлиги яхшидир. Муаммоларни митинглар билангина, энг илғор, энг халқчил, одамлар манфаатини кўзловчи сиёсат билангина ҳал этиб бўлмайди. Сиёсат, митинглар, баҳолар, шиорлар, танқиддан кейин бу сиёсатни олға томон ҳаракатлантирадиган, жамиятнинг бутун имкониятини ишга соладиган ҳаракатлар зарур.

Демак, ҳаракатлар даври, амалий ишлар даври келди. Биз кўпгина ғоят муҳим комсомол ташаббусларини ўрганиб чиқдик. Бу — комсомол ҳозирдаёқ бошлаган ишларнинг энг яхши далилидир. Дўстлар, сизларни мана шу муваффақият билан табриклайман! Жамиятимиз турмушининг барча йўналишларида улкан, хилма-хил йўлдан, ижтимоий, ишлаб чиқариш, маданий, сиёсий ҳаракатлар йўлидан бориш лозим. Бу йўлда сизларга муваффақият тилайман!

Бироз мунозаралар ҳам бўлди. Эҳтимол, комсомоллар, айниқса, қисқа учрашувлар чоғида ҳамма таклифларни муҳокамага қўйишни истамагандирлар ёки бизни, комсомол бошқа авлодлари вакилларини аягандирлар. Шунга қарамай, ҳатто ана шу қисқа учрашувлар чоғида ҳам мунозаралар бўлди. Мунозаралардан бирида қайта қуриш барибир суст бораётганлиги тўғрисида фикр билдирилди. Мен шундай деб ўйлайман: биз, энг аввало, шу нарсада якдил фикрдамизки, ҳаммамиз қайта қуриш тезроқ амалга оширилишини истаймиз. Менингча, бу фикрга ҳаммамиз қўшиламиз. Мен бунга ким қарши эканлигини билмайман. Бугунги кунда ўзи муносиб бўлмаган имтиёзлардан, мансаб мавқеидан фойдаланаётган ва кечаги турмуш манзур бўлган кишиларгина бунга қаршидир. Эҳтимол, бу кишилар қайта қуриш тезроқ боришини истамас. Бунинг устига уларнинг айримлари умуман қайта қуришни қабул қилишмаса керак. Биз буни ҳам сезишимиз ва билишимиз керак. Жамиятимизда шундай кишилар бор.

Аммо совет кишиларининг, барча авлод вакилларининг мутлақ кўпчилиги қайта қуриш тезроқ амалга оширилишини ва тезроқ ижобий самаралар беришини истайди.

Мен юқорида сизларга бир нарса ҳақида гапириб ўтган эдим ва бу ҳақда яна бир бор айтишни истайман: ёшлар ҳам, сизларни ишонтиришга журъат қилиб айтаманки, кекса авлод вакиллари ҳам тўпланиб қолган муаммоларни бирданига ҳал этишни ва катта қадам ташлаб олға боришни, бемалол нафас олишни жуда истайдилар. Бироқ турмуш бир мунча мураккаброқдир ва муаммоларни осонгина ҳал этиб бўлмайди. Бу ҳақда сизларга айтиб ўтиш керак ва ўйлайманки, сизлар буни тушунасизлар.

Давримиз революцион даврдир. Чуқур ўзгаришлар бошланди. Эскилик билан янгилик курашмоқда. Эскилик тарафдорлари ҳам, янгилик тарафдорлари ҳам бор. Қайта қуришнинг ошкора муҳолифлари унча кўп эмас. Қолган барча кишилар учун бу бутун турмуш ҳақида, ўз турмуши ва мамлакат турмуши ҳақида қайта фикрлаш, янгича ёндашувларни, янгича ечимларни излаш ёки давр синовидан ўтган ва бугунги кунда ҳам бизга зарур бўлган қадриятларни тиклашдек мураккаб даврдир.

Мана шунинг учун ҳам туб иқтисодий ислоҳот қийинчилик билан амалга оширилмоқда. Мана шунинг учун ҳам демократиялаш, социалистик демократия имкониятини авж олдириш жараёни осонликча кечмаяпти.

Партиянинг ҳам, комсомолнинг ҳам, Советларнинг ҳам фаолиятига назар ташланг: бу борадаги ишлар қанчалик қийинчилик билан бормоқда, аммо бу иш давом этмоқда, партия ички турмушини, комсомол, Советлар ички турмушини қайта қуриш жараёни бормоқда. Бу ғоят жиддий ишлардир ва улар бутун мамлакатга тааллуқлидир. Чунки буларнинг ҳаммаси кўп йиллик тажрибага, биз кўп йиллар давомида кўникиб қолган — сизлар камроқ, бизлар эса кўпроқ кўникиб қолган нарсаларга қайта баҳо бериш билан боғлиқдир. Шунинг учун ҳам сизлар ўзингизни қайта қуришингиз осонроқ ва биз сизларга ишонамиз.

Ҳозирча биз ҳамма нарсанинг ҳам уддасидан чиқолмаяпмиз. Кўп нарса одамларни ранжитмоқда. Озиқ-овқат маҳсулотлари ва товарлар билан таъминлашда реал даражада сезиларли яхшиланиш бўлмади. Хўжалик ҳисобига, хўжалик юритишнинг янги методларига ўтиш билан, янги технологияларни ўзлаштириш билан ва энг муҳими ўрнашиб қолган эскича фикрлашга барҳам бериш билан боғлиқ қийинчиликлар бунга қўшилмоқда.

Нима ҳам дердик, бир қанча муаммоларнинг кескинлашиши ва ўтиш давридаги кайфиятларнинг хилмахиллиги — табиий ва маълум даражада муқаррар ҳолатдир. Буларнинг ҳаммасига бардош бериш, оғишмай ва бошланган ишни албатта охиригача етказиш керак.

Консерватизмга, бизга тўсқинлик қилаётган ва орқага судраётган барча нарсаларга қарши курашни кучайтириш зарур. Бу энг муҳимидир. Бошқа нарсани ҳам назарда тутиш керак. Туб ўзгаришлар даврида беқарорликка, баъзида эса экстремизмга дуч келинади. Шундай кишилар топиладики, улар кўпчиликнинг қонуний истаги — вазифани тезроқ ҳал этиш истагидан фойдаланиб, ташқаридан қараганда туб қатъий, бироқ моҳияти жиҳатидан хато даъватларни ўртага қўймоқдалар. Ўзининг ғайрат-шижоати, барча революцион ғояларни тез қабул қилиши билан ажралиб турадиган ёшлар ҳақиқатдан ҳам революцион сиёсат нима-ю, унга нисбатан реал турмушдан ажралган ҳолда юзага келадиган, амалда чуқур ўзгаришлар қилишга қодир бўлмаган дабдабали, сафсатабозликка асосланган сохта революцион ўхшатма нима эканлигини билиб олишлари керак.

Қайта қуриш жараёнлари жадал суръатда бориши, янада кенг кўламда авж олдирилиши учун нима қилиш керак? Ошкоралик ва демократияга, экономикани қайта қуриш, хўжалик ҳисоби, ижара принципларида хўжалик юритишнинг янги методларини ўзлаштириш учун кенг имкониятлар яратиб берадиган корхона тўғрисидаги қонунга, кооперация тўғрисидаги қонунга, иқтисодий турмушимизни демократиялаштирган барча нарсаларга таяниб, мамлакатимиз сиёсий жараёнида, Советларни, бошқарув органларини қайта қуришда рўй бераётган жараёнларга таяниб, қайта қуриш туфайли юзага келган барча нарсалардан фойдаланиб, ҳар бир меҳнат коллективида, ҳар бир шаҳар, ҳар бир қишлоқда конкрет ишлар билан шуғулланишимиз, ҳар биримиз аниқ позицияни эгаллашимиз лозим. Буйруқбозлик бунда ёрдам бермайди. Янги кўрсатмалар, даъватлар, шиорлар одамларнинг социал активлиги ўсиши билан боғлиқ бўлмаса, улар шундайлигича қолиб кетади.

Лекин ҳали ҳамма нарса ҳал этилган деб бўлмайди. Эҳтимол биз ҳатто ҳал этган нарсамизни қайта ўзгартиришимизга тўғри келар. Аммо биз меҳнат коллективларида иқтисодий турмушимизни, шаҳар ва қишлоқларда, комсомол, партия ташкилотларида, ҳамма жойда ижтимоий турмушимизни дадиллик билан ва тубдан ўзгартириш учун бугунги кундаёқ кўп нарсаларга эгамиз.

Мен юқорида эслатиб ўтган бир ўхшатиш ўзимга жуда маъқулдир. Биз қайта қуриш буғи фақат гудок чалишга етган локомотив ҳолатида бўлиб қолмаслиги учун ҳамма нарсани қилишимиз керак. Биз ҳозирдаёқ сигнал бердик, гудок янгради, олға томон силжиш қанчалик қийин ва мураккаб бўлмасин, ҳаракат суръат олиши керак.

Қайта қуриш йўлида тўсиқлар бор. Ҳа, бу тўғри. Аммо олға томон ҳаракат қилиш учун фойдаланиш зарур бўлган омиллар ва механизмлар ҳозирдаёқ вужудга келтирилган. Бу — демократия, ошкоралик, иқтисодий ислоҳот, сиёсий ислоҳот, жамоат контролидир.

Локомотивимиз ўз ҳаракатини жадаллаштирмоқда. Экономикада чуқур ўзгаришлар, кейинчалик кўп йиллар давомида экономикага таъсир қиладиган ғоят муҳим структуравий силжишлар рўй бермоқда.

Биз энг аввало экономикамизни одамларнинг ҳаётий муаммоларини ҳал этишга муттасил қаратмоқдамиз. Шунинг учун биз барча қийинчиликларга қарамай, соғлиқни сақлаш, халқ таълими, илм-фанга оид янги улкан программаларни маблағ билан таъминлаш, уй-жой қуриш суръатларини ошириш учун маблағ топдик. Шунинг учун ҳам аграр секторни ривожлантиришга, унга зарур жўшқинлик бағишлашга жуда катта куч-ғайрат сарфлаяпмиз. Шу йилдан бошлаб товарлар ишлаб чиқаришни ва хизмат кўрсатишни кўпайтириш программаси ўзининг дастлабки натижаларини бера бошлади. Кўп йиллар давомида биринчи марта планлар бажарилиб, уларнинг ўсиши 20 миллиард сўмдан ортди.

Туб ўзгаришлар қилишга ҳали анча бор, бироқ ишлар тўғри йўлдан олиб борилмоқда. Қайта қуриш барибир амалга оширилади, деганимизда нимани мақсад қилиб қўйганмиз, нимага асосланамиз ва ўз ишончимизда нимага таянамиз.

Бу катта ва муҳим масаладир. Ленин ишлаб чиққан социалистик принципларнинг жиддий бузилиши натижасида одамнинг экономика соҳасига қайтиш жараёни, сиёсий жараён, яъни одамнинг ўз мулкидан, ишлаб чиқариш воситаларидан, сиёсий ва маданий жараёндан бегоналашувига барҳам бериш муаммоси — буларнинг ҳаммаси қандайдир босқичда тўхтаб қолди. Буйруқбозлик методлари, маъмуриятчилик устунлик қила бошлади, бюрократик аппарат кенг ҳуқуқларга эга бўлди ва бу нарса ривожланиш суръатларигагина эмас, айни вақтда жамиятимиз қиёфасига ҳам салбий таъсир қилди.

Шунинг учун ҳам биз демократия ва ошкоралик орқали, иқтисодий ислоҳот орқали, сиёсий ислоҳот орқали одамларни ҳаракат қилувчи асосий шахс сифатида мана шу барча соҳаларга қайтаришимиз даркор. Қайта қуришнинг моҳияти ана шундадир!

Ахир Сталиннинг вафотидан кейин ленинча принципларни қайта тиклашга бир неча бор уриниб кўрилди. Аммо мана шу барча уринишлар — ҳатто улар жиддий ўзгаришларга олиб келган бўлса-да, — барибир мағлубиятга учради. Мана шу барча жараёнларга энг аввало халқ чинакамига қўшилмагани учун шундай бўлди.

Мана шунинг учун ҳам, ўртоқлар, биз Лениннинг социализм — «омманинг жонли ижоди» деган энг муҳим қоидасини эсга олишимиз керак бўлди.

Мана шунинг учун ҳам, агар сиз барча қарорларимизга назар ташлайдиган бўлсангиз, уларнинг асосий моҳияти — жамиятни демократиялаш, бутун турмушни демократиялаш йўли билан тузумимиз имкониятларини очиб беришдан иборат эканлигини сезасиз. Шунинг учун ҳам биз кўпроқ демократия — кўпроқ социализм бўлсин, деймиз. Бу сўз ўйини эмас, бу бизнинг бугунги кунда рўёбга чиқараётган сиёсий режамиздир.

Мана шунинг учун ҳам одамлар ишлаб чиқариш муносабатларини ўзгартираётган иқтисодий ислоҳотдан кейин хўжалик ҳисоби орқали, ижара муносабатлари орқали, кооперация орқали ўз мулкига яқинлашмоқда, уни бошқармоқда, унга эгалик қилмоқда. Ўз имкониятини, ўз истеъдодини рўёбга чиқармоқда. Биз сиёсий ислоҳот орқали одамларни сиёсий жараёнга қайтарамиз.

Очиғини айтганда, бажариш учун жуда қийин бўлса ҳам, аммо мамлакат учун жуда зарур бўлган мана шу жамики улкан режаларимизнинг иккинчи жиҳати эса қуйидагилардан иборат: биз экономикани ва сиёсий жараённи ислоҳ қилиш билан бирга фан ва техникани ривожлантириш тўғрисида ўйлашимиз керак, албатта. Янги технологиялар бўлмаса, барча муаммоларни хўжалик юритишнинг янги усуллари билангина ҳал этиб бўлмайди, Ҳа, дастлабки йилларда биз саноатда ҳам, аграр секторда ҳам, савдо соҳасида ҳам иқтисодий муносабатларни қайта қуриш асосида наф оламиз. Бироқ юқори меҳнат унумдорлигига чиқиб олиш учун биз фан-техника тараққиёти соҳасида жиддий равишда олға силжишимиз керак.

Гарчи қийин бўлса ҳам, биз ўртага қўйилган вазифаларни шу йўлдан бориб ҳал қилишимизга аминмиз. Турғунлик йиллари жамиятимизда кўпгина салбий оқибатларни қолдирди. Текисчилик ҳам, тайёрга-айёрлик ҳам, социал лоқайдлик ҳам шулар жумласига киради — буларнинг ҳаммасини бартараф қилиш керак. Биз мамлакатда авж олдириб юборган жараёнлар асосида мана шу оқибатлар бартараф этиб борилмоқда.

Мана шу жуда катта ишда биз комсомолнинг равшан, аниқ, қатъий позицияда туришига муҳтожмиз. Биз комсомолни қай қиёфада кўришни хоҳлаймиз? Бугун мен ўртоқ Мироненко билан қилган суҳбатни кўздан кечириб, комсомол қандай бўлиши керак, мамлакат ёшлар ҳаракати қандай бўлиши лозим, деган мавзудаги мунозара ҳали ниҳоясига етмаганини тушундим. Назаримда бир нарса равшан: 70 йилнинг ҳаммаси мобайнида бўлганидек, қайта қуришнинг дастлабки йиллари ҳам бизга ёшларнинг комсомол каби сиёсий ташкилоти кераклигини кўрсатиб турибди.

Кейинги йилларда баъзи кишиларда бу хусусда янглишишлар пайдо бўлди. Менимча комсомол ҳамма нарсани икир-чикиригача қамраб олишдан иборат амалга ошириб бўлмайдиган вазифани ўз олдига қўйган. Ҳам иқтисодий, ҳам хўжалик муаммолари, ҳам бошқа муаммолар комсомолга бефарқ эмаслиги равшан, чунки бу муаммолар ёшларга бирон-бир тарзда тааллуқлидир.

Аммо, ҳар ҳолда Коммунистик Ёшлар Союзи, аввало партиянинг программасини қабул этадиган, у билан бирга сиёсий вазифаларни ҳал қилишга, ёш авлодни келгусида жамият учун, революцион сиёсатни давом эттириш учун масъулият юкини ўз зиммасига оладиган қилиб тайёрлашга интилаётган ёш коммунистларнинг ташкилотидир. Такрор айтаманки, мана шундай ташкилот бизга керак. Ўйлайманки, башарти ҳозир мана шундай ташкилот бўлмаганида, биз, коммунистлар шундай ташкилотни тузиш учун ҳамма ишни қилур эдик. Дунёдаги бирон бир сиёсий партия ўз келажаги ҳақида ғамхўрлик қилмай яшай олмайди, айниқса коммунистлар, новаторлар партиясининг, келажак партиясининг аъзолари бу ҳақда ўйлашлари керак. Зотан биз ёшлар учун сиёсий ташкилот бўлмиш комсомолнинг бутун ҳаёти ва фаолиятини ленинча принциплар асосида тиклаш ва янгилашни табриклаймиз!

Биринчиси ва энг муҳими мана шундан иборат. Иккинчиси шуки, биз комсомолнинг мустақиллиги тарафдоримиз. У ўз структурасида ҳам, иш усулларида ҳам партиядан нусха кўчирмасин.

Учинчиси. Биз — комсомолнинг давлат ва жамоат турмуши барча жараёнларида, халқ хўжалигини, бутун мамлакатни идора қилишда реал иштирок этиши тарафдоримиз. Демак, ёшлар учун ҳокимиятнинг барча органларига кенг йўл очиб қўйилиши керак. Бу органларнинг ҳаммасида комсомолнинг вакиллари чинакам равишда қатнашишлари, социалистик давлатни идора қилиш усулларини ўрганиш сабоғини олишлари лозим.

Биз — давлатда ёш авлодга нисбатан актив сиёсат ишлаб чиқилиши ва амалга оширилишининг тарафдоримиз. Биз мана шу ғоялар ва ёндашувлар ёшлар тўғрисидаги қонунда мужассамлаштирилишига умид қиламиз. Ҳозир бу қонуннинг лойиҳаси сизларнинг жуда актив иштирокингизда тайёрланмоқда.

Экономикадаги комсомол ташкилотларигина эмас, олий мактаблардаги комсомол ташкилотлари ҳам, мактаб комсомоли ҳам ҳаваскорлик, ўзини-ўзи бошқариш принциплари асосида ишлашини, таъбир жоиз бўлса, ҳокимиятни ўз қўлига олишини табриклаган бўлур эдик.

Олий мактаб комсомоли ўзи учун янгиликларни очиб бўлди. Унинг мана шу фаоллиги ва мустақиллигини табриклайман. Ўртоқлар, олий мактаб комсомолининг кучли бўлишидан жуда манфаатдормиз, чунки унинг сафидаги йигит-қизлар мамлакатнинг бўлажак зиёлиларидир.

Биз мактаб комсомолининг ҳаваскор бўлибгина қолмай, мустақил ҳам бўлиши тарафдоримиз. Биз Артекдаги машҳур слётдан кейин пионерлар ҳам мустақилроқ бўлиб қолишлари тарафдоримиз. Биз бу ташкилотларнинг ҳаммасига раҳнамо бўлиб эзгу иш қилиш билангина чекланмаймиз. Йўқ! Ҳуқуқлар ҳамиша масъулият билан ёнма-ён боради.

Илгари экономикамизда кўпроқ ҳуқуқ берилишини сўраган эдилар — ҳуқуқларни бериб қўйдик. Энди кўп кишилар шу ҳуқуқлардан воз кечмоқчи эканликларини кўриб турибмиз. Нега? Чунки бу масъулият демакдир.

Аввало хўжалик ҳисобини олайлик. Қандай ишласангиз, корхонадаги даромадлар, фондларнинг аҳволи ҳам шунга яраша бўлади. Илгари иш юришмаган пайтда қоғоз ёзиб юқорига юбориш ва биз масалани қўйдик, лекин ҳал этиб беришмади, деб айтиш мумкин эди. Энди бериб қўйилган ҳуқуқларга таяниб, ўзингиз ҳал қилишингиз лозим. Давлат буюртмаси керак эмас, деб илтимос қилган эдилар. Бу хусусда қандай мунозара бўлганига эътибор берган бўлсангиз керак. Биз 1989 йилги планни тузишга киришгунимизга қадар бутун бу йил давомида шундай бўлди. Энди эса давлат буюртмасини кўпайтиришни илтимос қила бошладилар. Маълум бўлишича, давлат буюртмаси бўлмаган тақдирда бевосита алоқалар боғлаш керак экан. Яхшиси, Госснабдан илтимос қилинса, у маҳсулот етказиб беришини таъминлай олади. Бу осонроқ. Кўрдингизми, ҳаммаси нақадар чигаллик билан ривожланади. Бу — жуда мураккаб жараён.

Комсомолда ҳам мустақиллик, ҳаваскорлик, ўзини-ўзи бошқариш негизларини ўзлаштириш иши мана шундай қийинчилик билан боради. Бироқ ўйлайманки, комсомол бу муаммоларни коммунистлар билан ҳам, олий ўқув юртларининг, мактабларнинг раҳбарлари билан ҳам ҳамкорлик ва комсомолнинг мустақиллик принциплари асосида муҳокама қилишга умид боғлай олади.

Комсомоллар сиёсатга зўр қизиқиш билан қараётганликларини қўллаб-қувватлайман ва юксак баҳолайман. Ёшлар биз яшаб турган жамиятни билиб олишни хоҳлайдилар. Ҳозир социализм ҳақида мунозара бўлмоқда. У ўз асоси жиҳатидан соғлом мунозарадир. Бу — жуда муҳим, ўртоқлар. Бир неча йил муқаддам биз мазкур муаммоларга ва тегишли фанларга қизиқиш аста-секин пасайиб борганлигининг гувоҳи бўлган эдик.

Ҳозир сизлар ижтимоий фанлар бўйича ҳамма дарсликларга эга бўлмасангиз ҳам майли. Улар яқинда пайдо бўлади. Улар, эҳтимол, мукаммал бўлмас, чунки ҳамма нарсани идрок этиб олиш учун, жамиятшуносликнинг ҳамма йўналишлари бўйича илмий маълумотлар олиш учун вақт керак. Бироқ энг асосийси — Ленин мероси ва биз ҳозирги кунда ёшларимизда, айниқса комсомолларда бўлаётган бу меросга ўша чинакам, табиий қизиқиш сизнинг ихтиёрингиздадир. Сиз бундан ҳозирги кўпгина энг муҳим саволларга жавоб топасиз. Барча саволларга жавоб олиш қийин, албатта. Бу ўринли эмас. Ленин методини, ленинча диалектикани, ижтимоий жараёнлар таҳлилига ленинча ёндашувларни ўрганиш керак. Мана шу санъатни эгаллаш лозим.

Ҳозирги кунда ёшлар сиёсий фаол кучга айланаётгани ғоят диққатга сазовордир. Биз ёшларнинг бу активлигини табриклаймиз. Биз ундан манфаатдормиз. Мен буни партия номидан ҳам айтяпман ва аминманки, бундан бизнинг бутун жамиятимиз манфаатдордир!

Қийинчиликлар сизни чўчитмасин, уларга бўш келманг, янгиликлардан довдираб қолмангиз. Бу ҳар доим одатдан ташқари вазиятни вужудга келтиради. Баъзан биз янги шароитларда ҳаракат қилишга тайёр бўлмаймиз. Бироқ, бу вақтинчалик ҳолатгина холос. Ўз фаолиятингизда, хатти-ҳаракатларингизда актив, доно бўлганингиздагина барча масалаларни ҳал қила оласиз.

Шуни айтишим керакки, биз, катталар ҳам ана шундай ҳолатдамиз. Турмуш олдимизга шундай вазифалар қўйдики, биз барчамиз: партияда, комсомолда, жамиятда ҳар биримиз ўзимизни тубдан қайта қуришимиз керак.

Сизлар билан шуни ўртоқлашмоқчиман, энг муҳим сиёсий масалалар муҳокама қилинадиган Сиёсий бюрода, бу масалалар қандайдир концепция, қандайдир сиёсий қарор шаклига киришидан аввал чуқур мунозаралар боради, қарашлар таққосланади. Баъзан биз айрим проблемаларни узоқ давр мобайнида муҳокама қиламиз. Баъзиларини яна бир бор ўйлаб чиқиб, мазкур проблемаларга қайтиш учун кейинга қолдирамиз. Бу бизни ажаблантирмайди, бу нормал ҳолдир. Олдимизда янги муаммолар жуда кўп. Сизларни ҳам бу муаммоларнинг янгилиги саросимага солмасин ва чўчитмасин, улар олдида эсанкираб қолманг. Биз сизлар билан бирга ўтмишни, ҳозирги кунни тушуниш ва истиқболни илмий асосда олдиндан кўра билиш негизида янада илҳомланиб, ўз ролимизни, ўз методларимизни белгилаймиз.

Агар ишларимиз, меҳнатимиз бугунги кунда нимага таянади дейиладиган бўлса, улар методларга таянади. Аслини олганда, эски методлар кризиси, уларни қайтадан баҳолаш содир бўлмоқда. Ўтмишда ҳаммаси ҳам ёмон бўлган эмас, албатта: неча ўн йилликлар мобайнида мусаффолашиб борган тажриба хизмат қилмоқда ва хизмат қилаверади. Буйруқбозлик методлари билан, маъмуриятчилик билан, турғунлик йилларида вужудга келган нарсалар билан боғлиқ бўлган тажрибаларнинг кўпи қайтадан идрок қилиниб, улоқтириб ташланиши керак. Биз ҳам ташкилотчилик, ҳам сиёсий ишнинг янги методларини қанчалик тез эгаллаб олсак ва инсоний мулоқот янги формаларини ўзлаштириб олсак, қайта қуришимиз шунчалик тез боради, унинг муваффақияти шунчалик кўп гарантиялан-ган бўлади.

Қадрли дўстлар! Сизни комсомол 70 йиллиги билан яна бир бор табриклайман. Шуни назарда тутишингиз керакки, коммунистлар партияси, ўз буюк революцион қайта қуриш мақсадларини таъминлаш ва унга эришиш борасидаги ўз ишида комсомолга, ёшларга жуда катта умид боғлайди. Қайта қуриш Октябрь ишининг, Ленин ишининг бевосита давомидир!

**(М. С. Горбачев нутқи қарсаклар билан бўлиниб турди).**

* * *

**(Давоми тўртинчи бетда).**

